

Жазоларнинг либераллаштирилиши инсон ҳуқуқларини кафолатли ҳимоя қилишга қаратилган

Истиқлол йилларида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш жараёнида амалдаги қонунларни изчиллик билан такомиллаштириш, бугунги кун талабидан келиб чиқиб, уларга тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, жиноий жазоларни либераллаштириш, жиноят процесси иштирокчиларининг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, "Хабеас корпус" институтига оид нормаларни босқич-ма-босқич такомиллаштирилиши натижасида жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигига бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Бу борадаги ислохотларнинг мантиқий давоми сифатида 2014 йил 4 сентябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги" қонун билан Жиноят-процессуал кодексига уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси киритилганини қайд этиш жоиз.

Шуни таъкидлаш керакки, Жиноят-процессуал кодексига киритилган янги 242¹-моддага асосан, уй қамоғи гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзида эҳтиёт чорасини танлаш учун асослар мавжуд бўлганида унинг ёшини, соғлиғи ҳолатини, оилавий аҳволини ва бошқа ҳолатларни инобатга олган ҳолда, қамоққа олиш номувофиқ деб топилган тақдирда, қўлланилиши белгилаб қўйилди.

Қонунда назарда тутилган ҳолатлар мавжуд бўлганда ва дастлабки тергов давомида уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси танланганда прокурор, прокурорнинг розилиги билан терговчи уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисида илтимоснома қўзғатиш ҳақида қарор чиқаради. Қарорда ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчини қамоққа олиш ёки уни уй қамоғига жойлаштириш заруратини келтириб чиқарган асослар баён қилинади. Прокурор уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимосноманинг асослилигини текшириб, унга рози бўлган тақдирда, илтимоснома қўзғатиш тўғрисидаги қарор ва зарур материалларни судга юборади. Агар илтимоснома ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан қўзғатилаётган бўлса, қарор ва кўрсатилган материаллар ушлаб туриш муддати тугашидан камида ўн икки соат олдин судга тақдим қилиниши керак.

Уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома жиноят содир қилинган ёки дастлабки тергов

юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан кўриб чиқилади. Судья иш ҳолати бўйича ажрим чиқаради.

Эҳтиёт чорасини танлашда қўйилган айбнинг оғирлиги, айбланувчининг шахси, машғулот тури, ёши, соғлиғи, оилавий аҳволи ва бошқа ҳолатлар ҳам асос сифатида эътиборга олинishi зарур.

Айтиш керакки, ўзига нисбатан уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсга муайян шахслар билан алоқада бўлиш, хат-хабар олиш ва жўнатиш ва улар ёрдамида сўзлашувлар олиб бориш, уй-жойни тарк этиш каби тақиқлар (чекловлар) ўрнатилиши мумкин.

Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг уй-жойидан чиқиши бўйича ўрнатилган тақиқларга риоя этиши устидан назорат амалга оширилади, ички ишлар органи унинг яшаш жойида бўлишини исталган вақтда текширишга ҳақли. Текшириш кундузги вақтда кўпи билан бир марта ва тунги вақтда кўпи билан бир марта ўтказилади.

Бундан ташқари зарур ҳолларда, уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган шахсга нисбатан, электрон кузатиш воситалари ҳам қўлланилиши мумкин.

Агар тиббий кўрсатмаларга кўра, гумон қилинувчи ёки судланувчи соғлиқни сақлаш муассасасига олиб келинган ва ётқизилган бўлса, суд ўрнатган тақиқларнинг (чекловларининг) амал қилиши гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига нисбатан эҳтиёт чорасини ўзгартириш ёхуд бекор қилиш масаласи суд томонидан ҳал этилгунига қадар давом этади. Тегишли соғлиқни сақлаш муассасасининг ҳудуди уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини ижро этиш жойи ҳисобланади.

Ўрнатилган тақиқлар (чекловлар) уй қамоғида бўлган гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи томонидан бузилган тақдирда, унга нисбатан қўлланилган чора қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасига ўзгартирилади.

Маълумки, шахсни қамоққа олинishiдан асосий мақсад — унинг дастлабки тергов ва суддан бўйин товлашига имконият қолдирмаслик, янги жиноятлар содир этиши ва иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилишининг олдини олишдан иборат.

Қайд этиш лозимки, Жиноят-процессуал кодексининг 237-моддасига асосан, муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат, шахсий кафиллик, жамоат бирлашмаси ёки жамоанинг кафиллиги, гаров, қамоққа олиш, вояга етмаганларни кузатув остига олиш учун топшириш, ҳарбий ҳизматчининг хулқ-атвори устидан қўмондонлик

кузатуви каби эҳтиёт чоралари тизимига уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг киритилиши жиноят содир этган шахсларнинг ижтимоий мослашувига қулай шароитлар яратилиши билан бир қаторда, оилаларни сақлаб қолиш, ножўя қилмиш содир этган шахсга ўз оиласи бағрида бўлган вақтда тегишли хулоса чиқариб олишига хизмат қилади.

Улуғбек МАҲМУДОВ,

Адлия вазирлиги Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармаси
масъул ходими